O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi

# Ishonch

Insonga naf keltirish — oliy baxt!

http://www.ishonch-doveric.uz

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

2012-yil 2-fevral № 15 (3052) payshanba

## Янги кун янгиликлари

***Қизилтепа туманидаги Ванғози маҳалласи гузари «Сарибозор» савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуасининг биринчи навбати фойдаланишга топширилди.***

### Яна бир қулайлик

Унда гўшт дўкони, техник жиҳозларни таъмирловчи устахона, сартарошхона ва минимаркет иш бошлади. Мазкур икки қаватли комплекс қурилишига тадбиркор Қодир Бозоров томонидан 300 млн. сўм маблағ сарфланди. Энг муҳими, мажмуанинг ишга туширилиши янги иш ўринлари очилишини таъминлади.

Наврўз байрами арафасида тикувчилик, гўзаллик ва келинлар либослари салонлари очилиши ҳам кўзда тутилган.

**М. АЛОВУДДИНОВ**

### «Файзли» – файз бағишлайди

***Қарши тумани маркази Бешкент шаҳрида бир-биридан чиройли бинолар қад кўтармоқда. Жумладан, тадбиркор Аҳмад Қаршиев маблағи ҳисобига «Файзли» савдо мажмуаси барпо этилди.***

Замонавий ва миллий услубда қурилган икки қаватли савдо мажмуасини озиқ-овқат, кийим-кечак, маданий моллар, пайнет, турли ичимликлар бўлими ташкил этади. Ишга туширилаётган мажмуада 10 та иш ўрни яратилади.

**Худойберди НАЗАРОВ,**
**меҳнат фахрийси**

***Яқинда Марғилон шаҳар прокуратураси, педагогика коллежи, халқ таълими муассасаларини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими, жамоатчилик вакиллари 1-Меҳрибонлик уйида бўлиб, 152 нафар тарбияланувчига совғалар улашди.***

### Меҳр кўрсатиб

Шунингдек, аълочи ва жамоат ишларида фаол тарбияланувчилар ҳомий ташкилотлар томонидан рағбатлантирилди.

Тадбирда Меҳрибонлик уйининг «Дилбандим» ашула ва рақс дастаси аъзолари томонидан тайёрланган она-Ватан, бахтли болалик, мустақилликни madҳ этувчи куй-қўшиқ ва дилрабо рақслар намойиш этилди.

**Муҳаммаджон**
**МАҲМУДОВ**

### Қўшимча иш ўринлари

**Ишлаб чиқариш кувватини ошириш, кўпроқ иқтисодий имкониятларга эришиш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва қўшимча ишчи ўринлари яратиш Бухоро шаҳридаги «Ўзкарпет» қўшма корхонаси жамоасининг асосий шиорига айланган. Бу ерда гилам ва полипропилен синтетик толаси ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш борасидаги саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда.**

«Ўзсаноатқурилишбанк»нинг вилоят филиали томонидан ажратилган кредит (2,9 миллион АҚШ доллари) эвазига корхонага Бельгиядан замонавий дастгоҳлар келтириб ўрнатилди. Модернизация туфайли жамоа бир йилда 1,6 миллион квадрат метр гилам маҳсулотлари ва минг тоннадан ортиқ полипропилен толаси ишлаб чиқариш имконига эга бўлди. Пировардида, 31 та қўшимча иш ўрни яратилди.

**Иззатулла ҲОЖИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**



Пойтахтимиздаги «Toshkayatekstil» ип-калава маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи қўшма корхонасида 480 нафар ишчи-ходим меҳнат қилади. Корхона маҳсулотларига, айниқса, Россия, Украина, Полша каби давлатларда талаб катта.

— Ходимларимиз жамоа шартномасида қамраб олинган барча қулайликлардан фойдаланмоқда, — дейди корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Шарофат Шорустамова.

Яқинда корхона қошида 180 иш ўрнига мўлжалланган янги тикув цехи ишга туширилди. Айни пайтда бу ерда 10 турдаги трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

***Суратда: Корхона ип йигирувчиси Камола Турсунова иш устида.***

**Икром ҲАСАНОВ олган сурат**

■ **Бандлик**

*«Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани, транспорт ва коммуникациялар қурилишини жадал ривожлантириш, аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларининг кўламини кенгайтириш ҳисобидан 2012 йилда қарийб 75 мингта янги иш ўрни ташкил этиш кўзда тутилмоқда.*

*Шу борада биз учун ўта муҳим, айтиш мумкинки, ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган яна бир масалага тўхталиб ўтишни жоиз деб биламан. Касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласи барчамизнинг жиддий ва доимий эътиборимиз марказида туриши зарур.»*

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасидан***

## Устозларга эргашган ёшлар

■ **Бобомурод ХЎЖАЁРОВ,**
**Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Ёшлар кенгаши раис ўринбосари**

***Мамлакатимизда «Устоз-шогирд» усулини жорий этиш орқали ёшларга ғамхўрлик қилиш, уларнинг ишга жойлашишига кўмаклашиш тадбирлари изчил амалга оширилмоқда. Айниқса, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг амалиётни бевосита бириктирилган корхона ва ташкилотларда ўташи ўқувчи-корхона-коллеж ҳамкорлигига асос солди. Тажрибали устозлар ёшларга бириктирилди. Ўқувчи назарий билимини амалда қўллаш имконига эга бўлди.***

Ўтган йили Қашқадарё вилоятидаги касб-ҳунар коллежларини 35583 нафар ўқувчи битириб чиқди. Шундан 21801 нафар битирувчи бириктирилган корхоналарга, 10182 нафари эса бошқа муассасаларга ишга жойлашди. Айни пайтда вилоятимизда иш билан таъминланмаган битирувчи 2124 нафарни ташкил қилиб, уларни ишга жойлаштириш жараёни давом этмоқда.

***(Давоми 2-бетда).***

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси йўлланмаси билан

**Муҳаммад АЛИ,**
**Ўзбекистон халқ ёзувчиси,**
**Давлат мукофоти лауреати**

## Дардоқдан чиққан ардоқли ўғил

### Очерк

***(«Замондошим портретига чизгилар» номли китобдан)***

**1.**

Мен Алижон Аҳмедовнинг доим кулиб турадиган, ҳазилкаш, ялангтўш, фикрини дадил айтишга одатланган, кўнглида кири йўқ очиқ чеҳрали инсон эканини ҳали шўролар даврида у «Савой» совхозининг директори бўлиб ишлаб юрган пайтда кўрганимдаёқ билгандим. Алижон қирқ ёшлар атрофидаги қирчиллама бир йигит эди, ўзининг пахта илмига, пахта илмигина эмас, умуман ҳаётда ҳамма нарсага қизиқувчанлиги, тиришқоқлиги, жўш уриб турган ғайрати билан ажралиб турарди, бир-икки оғиз сўзини эшитибоқ, беихтиёр у билан суҳбатлашгиси келиб қоларди кишининг. Лекин батафсил ўтириб отамлашиш насиб этмаган эди ўшанда. Биз, бир гуруҳ ёзувчилар пахтакорлар билан учрашувлар ўтказгани вилоят бўйлаб айланиб юрардик. Вақтимиз тиғизлигидан шамолдай келиб, қуюндай кетиб қолардик. Негадир кишилар билан сал бундай ёзилиб гаплашишга фурсат бўлмасди. «Ёзувчи-шоирларимизни тушда кўрдикми, ё ўнгда?..» деб ҳайратланишарди одамлар.

Кейин ҳам Алижон билан тузук-қуруқ учрашиш имкони бўлмади.

Орадан бир аср ўтиб кетди. Бу жумла қизиқ туюлса-да, у ҳақиқат. Ҳозир: «Нариги асрда туғилганман», «Ўтган асрда ўша ерда бўлган эдим», «Нариги асрда уй қурганман» ва ҳоказо ибораларни бемалол ишлатаверамиз. Даставвал бу эшитган одамга ғайритабиий туюлса ҳам, энди ҳамма кўникиб қолди. Биз Мустақил Ватан фуқароларига ажойиб қисмат насиб этди, дўстлар! Бир танамизга ўйлаб кўрайлик: сиз билан биз, азиз замондош, икки асрни кўрган инсонлармиз, йигирманчи асрдан йигирма биринчи асрга сакраб ўтдик. Нафақат икки асрни, балки икки мингйилликни бир-бирига улай олдик, икки мингинчи билан уч мингинчи йиллар ўртасида кўприк бўлмоқдамиз! Бу шукроналар келтирсак арзийдиган ҳодиса!

Замонамизнинг фидойи инсонлари билан учрашиш, суҳбатлашиш, улар ҳақида, насиб этса, бир китоб ёзиш фикри туғилдию, Ёзувчилар уюшмаси йўлланмаси билан 2011 йил октябр ойи бошларида Андижонга отландим. Вилоят ҳокимлигида яхши кутиб олишди. Мен касбидан қатъи назар вилоятнинг юзини кўрсатадиган илғор фикрли кишилар, фермерлар, корхоналар, маҳаллалар жамоалари билан учрашиб, улар ҳақида очерклар ёзиш ниятида келганимни айтдим. Айни Андижон вилояти пахта етиштириш давлат режасини мамлакатда биринчи бўлиб адо этган паллалар. Вилоят ҳокими Аҳмаджон Усмонов Ёзувчилар уюшмасидан шу ҳақда хат олганини ва бундан мамнунлигини билдирди:

**1**

— Андижонни мамлакатга кўз-кўз қиладиган инсонлар, фидойиларимиз, худога шукр, кўп... Улар билан учрашинг, суҳбатлашинг, ишларини ўз кўзингиз билан кўринг. Қандай ёрдам керак бўлса биз тайёрмиз.

Мен ижодий сафаримни «нариги асрда» кўришган эски танишим Алижон Аҳмедов билан учрашувдан бошлашимни, бунинг учун ҳали Дардоққа ҳам боришим кераклигини билмас эдим. Билиб, бағоят мамнун бўлдим. Дарҳол бир аср аввалги воқеалар ёдимга тушди, кўз олдимда Алижоннинг жилмайиб турган чеҳраси намоён бўлди...

Дардоқ қишлоғига икки йўл билан бориш мумкин экан. Биринчиси, Андижон сойидан юриб янги йўлдан Ойимга, ундан кейин Дардоққа ўтилади. Иккинчиси — Боғишамол орқали Қўрғонтепа йўли. Мен иккинчисини танладим.

Ҳар гал шу йўлдан юрганимда жаннат ул-маъвода кезгандай сезаман ўзимни. Қалбимни ғаройиб бир туйғу қамраб олади. Бу — қадим ва кўҳна йўл... Ёш Бобур Мирзо неча-неча бор гоҳ афсус-надоматлар ичра ўксиниб, гоҳ кўнглида юртни сақлаш умидлари учқун сочиб, ҳаволаниб ўтган йўл бу. Ўнг тарафда Халқаро Бобур фондига қарашли ям-яшил ва обод «Боғишамол» — Бобур боғи ястаниб ётади. Унда Бобур Мирзонинг рамзий мақбараси ҳамиша зиёратчилар билан гавжум. Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Нодирабегим, Абдулҳамид Чўлпон сингари ёрқин сиймоларни бағрида ўстириб вояга етказган ва фарзандларининг улканлигидан бағрига сиғдира олмаган замин бу... Ҳар бир қадамда уларнинг руҳлари кезиб юради, гўё улар ҳали замон қаршингдан чиқиб қолишадигандек туюлади...

Машинамиз Қўрғонтепадан чапга, Ойим қишлоғига қараб елиб кетди. Бу ерда марказий шифохона ўрнида Қўқон хони Амир Умархоннинг суюкли рафиқаси, оташзабон шоира Нодирабегимга атаб барпо этган боғи бўлган экан.

— Малика Моҳларойим бизнинг Ойимқишлоқ об-ҳавосини ёқтириб қолиб, канизаклари билан тез-тез келиб турар эканлар. Қишлоғимизнинг марказида бир пайтлар Нодира бегим ҳайкали қад кўтариб турарди, — деди ғурурланиб менга ҳамроҳ бўлиб юрган шоира Бегойим Холбекова. — Биласизми, бу ер менинг она қишлоғим. Шеър ҳам ёзганман. Ҳозир шаҳарча деб айтишади.

— Шунақами? Гўзал шаҳарча экан, — дедим мен.

Дардоққа етмай, машинамиз чапга бурилди. Биз гоҳ пахталари териб олинган пайкалларни, гоҳ сарғая бошлаган боғларни оралаб «Оқ сув» фермер хўжалиги шийпонини қоралаб борардик. Йўл-йўлакай 1949 йилда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳорнинг айни шу ерларга келгани, ўзининг «Дардоқдан чиққан қаҳрамон» очеркини ёзгани эсимга тушди. Улкан адибимиз Дардоқни шундай таърифлаган эди: «Дардоқ деган қишлоқни кўрганмисиз? Ойим районига қарайди. Кўрмаган бўлсангиз, бориб кўринг, кўрган бўлсангиз эсланг: бири-биридан чиройли адирлар, буларнинг кетида оқаришиб турган тоғлар. Булоқлардан қайнаб чиққан тиниқ сувларининг кўм-кўк даладан илонизи бўлиб, симобдай ярқираб оқишини айтинг! Ер-чи? Ҳай-ҳай, ер ҳам шундоқ бўладими? Минг биллойи азим, ерга араванинг гупчагини кўмсангиз, қайрағоч кўкариб чиқади...»

**2**

Шундай таърифни ўқиган киши Дардоққа боришни орзу қилади, албатта.

**2.**

Ниҳоят, дала жойда тикланган икки қаватли кўркам бинога яқинлашдик. Ичкарироқда молхона-оғилхоналар кўзга ташланарди. Бино олдида чап томонда худди улоқдан сўнг қантариб қўйилган отлардай, пайкаллардан совутишга чиқарилган «дала тулпорлари» — беш-олтита трактор, ҳар хил агрегатлар ва уларнинг олдида суҳбатлашиб турган бир неча одамга кўзимиз тушди. Узоқданоқ даврага гап бериб турган, бошига чуқур «анжан дўппи» қўндирган одамнинг мамлакатда таниқли пахтакор, элита пахта уруғи тайёрлашда ном чиқарган миришкор деҳқон Алижон Аҳмедов эканини танидим. Юзлари офтобда пишган, паҳлавон келбат тус олибди, ўша-ўша кўрганимдек, очиқ чеҳрали, ҳазилкаш, танти инсон...

Қучоқлаша кетдик. Ҳол-аҳвол сўрашдик.

— Мана шу Дардоқ қишлоғининг бир четида, — деди Алижон худди эски танишига ўтган ишлардан ҳисоб бераётгандек. — 1994 йилда 42 гектар ер олиб етти киши билан иш бошлагандим, домла. Эски «Ҳамза» совхозига қарашли пахта ҳам ўсиб-ўсмай, қамиш босган, ўт қоплаган ерлар эди-да. Яна атрофда ўн беш гектарга яқин қамишу қўғай, ғумай босган ўзлаштирилмаган захерлар ҳам мавжуд эди. Бу ерни танлаганда келажакда у майдонларни ҳам қўшиб оламан, деб ният қилгандим. Зовур қазиб, захини қочирдик. Ҳозир у ерлар ҳам экин майдонларига айланиб кетди.

Ҳар ишни бошлашдан олдин эл билан кенгашиб, унинг ризои дуосини олмоқ эзгу одатимиз. Дарҳол шу ерда катта-кичикни чақириб, битта жонлиқ сўйиб ис чиқардик. Оқсоқолларимиз Машраббой Абдуллаев, Исомиддин Зайнобиддинов, Абдураҳмон Тожимаматов, Одилжон Маматов, Турсунбой Мирзаев, Турғунбой Эсонов, Иброҳимжон Турсунов (кейинчалик у «Дардоқ ва дардоқликлар» номли рисола ёзди) ва бошқалар келишди. Ҳамма ишимизга ривож тилаб дуо қилди. Дарҳол мана шу икки қаватли бинони қуришга киришдик. Лойиҳасини ўзим чиздим. Йўлларга шағал тўкдик. Бу жой чорва учун ҳам қулай эди, сут заводи қуришга ҳам. Ўшандаёқ сут заводи қуриш фикри бор эди менда...

— Қурдингизми, ишқилиб?

— Албатта-да! Ана, ёнимизда. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга диққатни қаратишимиз керак. Қурдик, завод фаолиятини яна ҳам ривожлантириш учун «Оқ сув» ўзининг доимий ҳамкори «Akbel sut ve sut urunlari» турк компаниясидан эритилган пишлоқ, йогурт ва турк айрони ишлаб чиқаришга мўлжалланган жаҳон андозаларига мос замонавий технологик ускуна-анжомларни сотиб олиш мақсадида «Тадбиркорбанк» ва «Ўзсаноатқурилишбанки»га мурожаат қилдик. Натижада 212 минг АҚШ доллари миқдорида синдикатлаштирилган қарз олдик.

— Қарз олиш қийин бўлмайдими?

— Йўқ, дарҳол ёрдам беришади. Фақат баъзан қоғоз тўплашга вақт кетиб қолади. Ҳа, десангиз, домла, бугун «Оқ сув» фермер хўжалигимиз мутлақо ўзгариб кетган. Ҳукуматимиз яратиб бераётган шароитлар, айниқса, 2011 йилни Президентимиз томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили деб эълон қилиниши бизга катта ёрдам берди. Ўйлаб қарасам, ўтган саккиз йил ичида «Оқ сув» 449 минг АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестициялар жалб этишга эришибди. У каттагина хўжаликка айланди, ҳозир экин майдони 238 гектардан иборат. Шундан 73 гектарига пахта экдик. 65 гектар майдонда буғдой етиш-

***(Давоми 2-3-4-бетларда)***

**3**

